

Корақалпоғистон ҳудудида Амударёдан сув олиб, олис қўлдаги қарийб 15 минг гектар ерни тўла сугориш имконини берувчи «Бўстон» канали қурилиши бошланганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Аини пайтда бу ерда қурилиш ишлари жадал олиб берилмоқда.

Каналнинг умумий узунлиги 35 километрдан ортиқ бўлади. Уни «Оролсувқурилиш» бирлашмасининг жанубий туманларда жойлашган 10 дан ортиқ қурилиш ташкилоти бунёд этмоқда. Қурилишда 115 та қудратли техника кечая кундуз ишлатилмоқда. Янги каналда 14 та сунъий иншоот бунёд этилади.

Куни кеча каналнинг қазиб битказилган 28 километрни биринчи участкасига синов тарикасида сув очилди. Канал тўлиғича жорий йилнинг кузида фойдаланишга топширилади.

(ЎЗА).



# ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 4 июн, сешанба №89 (1306)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Асака тумани ғаллакорлари режа гектаридан 53 центнер бўлгани ҳолда ҳосилдорликни 85 центнерга етказиш учун астойдил

ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун бу ерда барча шарт-шароит яратилган.

байнчилар Султон Айсаров ва Абдумухтор Тургунов.

Ш.ОЛИМОВ

(ЎЗА) олган суратлар.

Суратларда: тажрибали ком-

## ДАВЛАТИМИЗ РАМЗЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси Республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда «Давлатимиз рамзлари» китобини нашрдан чиқарди.

Юртбошимиз: «Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий гуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир», деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифа-

тида ҳамиша азиз ва муқаддас саналган. Уларда халқнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз ифодасини топган. Аслида рамзлар ва тимсоллар ҳамма вақт ҳам миллий гурур, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда энг муҳим воситалар ҳисобланиб келган.

Мустақилликни қўлга киритиб ўз Байроғимиз, Гер-

бимиз ва Мадҳиямизга эга бўлишимиз чин маънода озод ва хур бўлганимиз белгисидир. Бугун Ўзбекистон фуқаросиман деган ҳар бир инсон бебаҳо ижтимоий-сиёсий қадриятларимиз бўлган давлат рамзларини билиши, ҳурмат қилиши шарт. Шу боис уларга бўлган муносабатимизни, авваламбор, Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларни ўрганишдан бошлашимиз керак. «Давлатимиз рамзлари» китобидан ана шу миллий тимсолларимиз ҳақида ҳикоя қилинади. Китоб «Маънавият» нашриётида чоп этилган.

(ЎЗА).

## 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

# ИШЧИ ПЕНСИЯГА КУЗАТИЛДИ...

Корхонанинг мажлислар зали ишчи-хизматчилар билан гавжум. Барча ҳаяжонда. Боиси, бутун умрини қадрдон корхонасига бағишлаган, ҳалол меҳнати, ажойиб фазилатлари билан барчага намуна бўлган ишчи-хизматчилардан бир гуруҳи пенсияга кузатишмоқда. Ёшлар табаррук инсонларга меҳр ва ҳавас билан боқишди. Устозлари қўлига гуллар тутқазиб, қайта-қайта раҳматлар айтишди. Бундай тadbирларнинг тарбиявий аҳамияти катта. Ёш ишчи-хизматчилар пенсияга кузатилаётган ажойиб инсонларга ишчи номи шарафлаш, корхона обрўсига обрў қўшиш, аъёнларни сadoқат ила давом эттиришга ваъда берадилар.

Қувончлиси шуки, иноқ жамоамиз, касабани ушма кўмитаси пенсияга кузатишга кишилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Бирон-бир тadbир уларсиз ўтказилмайти. Жамоа шартномасига кўра, нафақага чиқаётган ҳар бир меҳнатқаш энг кам иш ҳақининг етти баравари миқдорда мукофот пулига эга бўлади. Пенсиядорлар яшаб турган уйлари учун коммунал тўловлар корхонамиз ҳисобидан қопланаётганлиги кўпчилиكنинг ҳавасини келтирмоқда.

Яқинда уруш ва меҳнат фахрийлари тўқтин дустурхон атрофига тақлиф этилдилар. Уларга қўлимиздан келганча соғва-саломлар улашдик. 20 нафар марҳум ишчи оиласига моддий ёрдам кўрсатилди. Фахрийлар сўз олиб, ўзларига яратилган имтиёзлар, барча меҳрибонликлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик изҳор этдилар. Улар ўзларини ҳамма сафда деб билишмоқда. Ёшларни ўз Ватанини жон дилдан севадиган, меҳнатсевар инсонлар этиб тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўлишмоқда.

Корхона маъмурияти, касабани ушма кўмитаси инсон саломатлиги ҳақида алоҳида қайғуради. «Хонжиза» дам олиш уйи, Ибн Сино номли, «Ҳазарбоғ» сичхатохларига имтиёзли йўллан-

малар берилади. Шу кунгача қатор пенсиядорлар энг яхши санаторийларда кўнгили дам олиб, саломатликларини мустаҳкамладилар.

Яқинда уруш иштирокчиси, ёшлар мураббийси Зуфар ота Хабибуллин ҳузуримизга келиб, ўз миннатдорчилигини изҳор этди. Биз бурчимизни адо этган бўлсак-да, отахоннинг самимий сўзларидан тўлқинландик. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан белгиланган тadbирларимизга қўра Зуфар отанинг уйи ҳам корхона ҳисобидан таъмирланиб берилган. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳам меҳр оғушида. Яна бир гап. Касабани ушма кўмитаси бешта оилани оталиққа олган. Уларга мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Ўзбекистон касабани ушма кўмитаси пенсияга кузатишга кишилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Бирон-бир тadbир уларсиз ўтказилмайти. Жамоа шартномасига кўра, нафақага чиқаётган ҳар бир меҳнатқаш энг кам иш ҳақининг етти баравари миқдорда мукофот пулига эга бўлади. Пенсиядорлар яшаб турган уйлари учун коммунал тўловлар корхонамиз ҳисобидан қопланаётганлиги кўпчилиكنинг ҳавасини келтирмоқда.

Корхона маъмурияти, касабани ушма кўмитаси инсон саломатлиги ҳақида алоҳида қайғуради. «Хонжиза» дам олиш уйи, Ибн Сино номли, «Ҳазарбоғ» сичхатохларига имтиёзли йўллан-

Эркин САРИБОВ, «Сурхонзоқовқатнасан» хиссадорлик жамияти касабани ушма кўмитаси раиси.

## Таажжуб!

аниқланди. Жамшид Норкулов спиртли ва тамаки

# СОЛИҚ ТЎЛАШНИ «УНУТИШИБДИ»

Шу билан бир қаторда давлат бюджетига тушумларнинг ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш иқтисодий мустаҳкамламоқда, бюджетни тўлдирмоқда. Масалан, Шароф Рашидов туман Давлат Солиқ инспекцияси тadbиркорлик билан шуғулланаётган жисмоний шахслар билан яхши ҳамкорлик ўрнатганлиги боис жорий йилнинг 3 ойи мобайнида жами 5438,0 мингдан ортиқ турли солиқлар ундирилди. Хусусан, мулк солиғи 2346,1 минг сўмни ташкил қилди ёки 147,5 фоизга бажарилди.

Туманда учта хусусий ва битта Ҳавос нефть базасига қарашли АЕКШ фаолият кўрсатмоқда. Маълумки, бир қанча вақт илгари истеъмол солиғи жорий қилинган эди. Унга қўра, нақд пулга савдо қилувчи ёқилғи шахобчалари

айтиш мумкин. Туманда еттига фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, бешта солиқ инспектори аҳоли билан ҳамжиҳатликда иш олиб борапти. Шунинг натижасида маҳаллий солиқлардан фуқароларнинг қарзлари деярли қузатилади. Бироқ, давлатга тўланиши лозим бўлган солиқларни ўз вақтида тўламай, бюджетга катта зийн келтираётган корхона ва ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, «Пахтаобод» пахта тозалаш хиссадорлик жамияти 72 миллион сўм, «Дехқонобод» пахта тозалаш корхонаси 11 миллион 647 минг сўм солиқдан қарз бўлиб турибди.

Давлат Солиқ инспекцияси тadbиркорлик билан шуғулланаётган жисмоний шахслар билан яхши ҳамкорлик ўрнатганлиги боис жорий йилнинг 3 ойи мобайнида жами 5438,0 мингдан ортиқ турли солиқлар ундирилди. Хусусан, мулк солиғи 2346,1 минг сўмни ташкил қилди ёки 147,5 фоизга бажарилди.

## Бозор талаби қатъий

# КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС

субъектлари тегишли касабани ушма ташкилотлари ишончини оқлаётими?

Самарқанд вилоят ҳокимлиги товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси касабани ушмалари кенгаши билан меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича 2001-2002 йилларга мўлжаллаб тузилган битимнинг ижросини қатъий назоратга олган. Палатанинг 29 мингга яқин ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан иборат вакиллари доимий равишда қўллаб-қувватланмоқда.

Ўтган даврда «Мароқанд» кўп тармоқли ахборот марказида ишбилармонлар томонидан 32052 минг сўм маҳсулотлар тақлиф қилинган эди. Аслида 9615,7 минг сўмлик маҳсулот сотилди.

Ўзбекистон касабани ушмалари Федерацияси Кенгашининг «Надавлат сектор ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ва меҳнатини муҳофаза қилишда касабани ушмалари ташкилотлари фаолиятининг самардорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини бажаришга алоҳида аҳамият берилаяпти.

Вилоятда 39,6 мингга яқин иш ўринлари яратилган бўлса, шунинг 9288 таси кичик ва ўрта бизнес, 8323 таси дехқон ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Юридик шахс макomini олмаган яқка тартибдаги тadbиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 12843 та иш ўринлари яратилди.

Тadbиркорлар манфаати — умумхалқ манфаати. Кенгаш ҳузурида тузилган ишчи гуруҳи томонидан тармоқ касабани ушма кўмитаси ва кенгашларида нодавлат сектордаги корхоналар билан ишлашнинг аҳоли ўрганиш чиклиди ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тadbирлар белгиланди.

Янгитдан «Булунгур меваси» ўзбек-чех, «Самжин-текс», «Сином» ўзбек-турк қўшма корхоналари, «Санобар», «Санжар» сингари 20 дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектларида касабани ушма ташкилотлари тузилди. Надавлат тармоқларда 52 бошланғич ташкилотлар ташкил этилиб,

си қамраб олинди. Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чораларни тadbир қилиш»га қарори ва «Нафис» ўзбек-чех, «Зарафшон-Калифорния» ўзбек-Америка қўшма корхоналари, «Каттақўрғон ёғ-мой», «Нафис», «Оқтошдон» сингари ҳиссадорлик жамиятларида ходимларнинг иш шартлари анча яхшиланди. Биргина «Нафис» хиссадорлик жамиятида ишлаётган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига 18 миллион сўм маблағ сарфланди. Аёллар тиббий соғломлаштириш марказида бепул даволанапти, травматология, кўз касалликлари темирйўлчилар шифохоналарида, 4-турқўш мажмуасида тиббий қўриқдан ўтказилиб, соғломлаштириляпти.

Қўрилган чора-тadbирлар натижасида кўпчилик нодавлат тизими корхоналарида бахтсиз ҳодисаларсиз ишлашга эришилди. Касабани ушмаларнинг ёрдами билан ишлаб чиқариш жараёнида ногирон бўлиб қолган 38 нафар фуқаронинг тавон пуллари ундириб берилди.

Касабани ушмалари «Бўш ўринлар ярмаркаси»да фаол қатнашиб, меҳнат бозорини шакллантиришда ташаббускорлик кўрсатишяпти. Меҳнатқашларнинг талаб ва эhtiёжларини ўрганиш эhtiборда турибди. Надавлат секторда ноқонуний вазифасидан бўшатилган 74 нафар ходим ишга қайта тикланиб, келтирилган моддий ва маънавий зарар ундириб берилди.

Меҳнатқашларнинг талаб ва эhtiёжларини ўрганиш эhtiборда турибди. Надавлат секторда ноқонуний вазифасидан бўшатилган 74 нафар ходим ишга қайта тикланиб, келтирилган моддий ва маънавий зарар ундириб берилди.

ЁЛҚИН.

ТУХФА

«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси бухгалтерлик китобсаварларга ажойиб тухфа хозирлади. 4.5 миллион сўмлик ижтимоий, сиёсий, бадиий адабиётлар ҳамда кўплаб нусхадаги ўқув-дарсликлари ўқувчи-ёшларга bepул бериладиган бўлди.

Вилоят Матбуот бошқармаси жойлардаги касабани уюшма ташкилотларининг фаоллари билан келишиб, дарслик ва адабиётларнинг асосий қисмини кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига тарқатди.


Н.УСМОНАЛИЕВ



Яқинда чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда Шаҳрисабз шаҳрида донни қайта ишлайдиган «Шаҳри-Кеш» Ўзбекистон — Туркия қўшма



корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Натижада бу ерда жаҳон андозалари талаблари даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди.



Энг муҳими, 75 нафар киши иш билан таъминланди. Суратларда: лаборатория ходими Муҳайё Тожиева; корхонанинг умумий кўриниши; оператор Фарҳод Болтаев. Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар.

Кичи ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий тараққиётни, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадини кўпайтиришнинг, ҳақиқий мулкдорларнинг синфини шакллантиришнинг муҳим омилларидир.

Муборак Қашқадарё воҳасининг ишлаб чиқариш кучларига эҳтиёжи катта бўлган, ҳимоя қилиш асосий вазирамидан биридир, — дейди туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тад-

Ислоҳот мевалари

олиятни ривожлантириш ва қайта тиклаш учун 12 фермерга 15687 минг сўм, чорва моллари сотиб олиш учун 3341 минг сўм кредит берилди. Моддий ва молиявий ёрдам олган «Тоҳир», «Ўткир бобо» деҳқон-

на олтингургуртни қадоқлаш қувватига эга бўлади ва 100 нафар кишини иш билан таъминлаш имконияти туғилади. Туманда лойиҳа қуввати 68 минг АҚШ долларига тенг сутни қай-

АХБОРОТ МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ

тадбиркорларга бизнес режа тузиш, менежмент, маркетинг кўникмаларини эгаллашда катта ёрдам бермоқда

иқтисодий салоҳияти ўсиб бораётган йирик саноат туманларидан биридир.

Туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси кичи ва ўрта бизнесни ривожлантириш муаммоларини ишчилик билан хал этмоқда. Айни пайтда бу ерда 541 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 107 таси юридик, 430 таси жисмоний шахслар бўлиб, туман иқтисодий тараққиётини юксалтиришга муносиб хисса қўшмоқда.

Бизнес иқтисодий билимга таянади. Янги иш бошлаётган тадбиркорни қўллаб-қувватлаш, бизнес режалари тузиш, ҳужжатларни тайёрлаш, менежмент, маркетинг илмларини эгаллашда амалий ёрдам бериш керак. Палата ҳузурида ташкил этилган ахборот маслаҳат марказида тадбиркорликка оид ҳамма меъёрий ҳужжатларни олиш мумкин.

— Ишбилармонларнинг ҳақ-хуқуқларини

биркорлар палатаси раиси Т.Расулов. — Бунинг учун юридик ва кансалтинг хизматларидан самарали фойдаланялмиз.

Палата жамоаси туманда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, Муборакнинг иқтисодий ва инвестицион имкониятларини реклама қилиш, чет эл сармоясини жалб этиш, хоржий ишбилармонлар билан алоқа ўрнатиш учун «Интернет» тизимидан фойдаланмоқда.

Кредитларни жалб этимай туриб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш кийин. Банклар томонидан барча турдаги тадбиркорлик субъектларига 320 миллион сўмлик қисқа ва ўрта муддатли кредит беришни режалаштириди. Биргина акционерлик тижорат «Тадбиркор Банк»нинг туман бўлими 32 фермер хўжалигига 54917 минг сўм ва 12 нафар яқка тартибдаги тадбиркорга 17870 минг сўм микрокредит ажратди.

Мавжуд 36 та фермер хўжалигига техника воситалари харид қилиш учун 58178 минг сўм, фа-

фермер хўжаликлари ўтган мавсумда давлатга шартнома режасида кўрсатилганидан анча кўп пахта топширдилар.

«Хўжамуборак» фермер хўжалиги раҳбари Бегим Тўевнинг ишлари ибратлидир. У ўтган йил банкдан 5 миллион сўмлик 18 фоизли ўрта муддатли кредит олган эди. Моҳир тадбиркор кредитдан унумли фойдаланиб, гишт ишлаб чиқариш цехини қурди. Ҳозир бу ерда 7 хил турдаги пардозли гишлар тайёрланиб, истеъмолчиларга etkazиб берилмоқда.

«Қурилиш таъмирлаш», «Газ» кичик корхоналари, «Ашурбек», «Саратон» фирмалари бир йилда 120 минг донадан 450 минг донагача пишиқ қиш, керамзит блоklar, бетон плиткалар ишлаб чиқармоқда.

«Анко» фирмаси гурт ишлаб чиқариш ва олтингургуртни целлофан пакетларга joyлаб, хоржий давлатларга экспорт қилиш билан шуғулланади. Агар бу лойиҳа амалга oтса, фирма бир йилда 20 на-

та ишлаш ва макарон ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Шон-шухрат» фирмаси, маъданли сувларни қадоқлайдиган «Вероника» Россия-Англия қўшма корхонасининг «Қаҳҳор» филиали, «Ойдин», «Эргаш», «Ҳайдар», «Ҳамдард» каби хусусий корхоналар ҳам ўз фаолиятларини такомиллаштириб бормоқдалар.

— Туманимизда ер ости ва ер усти бойликлари, табиий хомашё захиралари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўп, — дейди тадбиркорлар etkatchиси Т.Расулов. — Ҳўл мева ва сабзавот маҳсулотларини қуриштириш ва қадоқлаш, қоракўл тери ва жунни қайта ишлаш, олтингургуртдан маҳсулотлар тайёрлаш учун янги технологияларни, чет эл инвестициясини олиб киришимиз керак. Бу соҳада вилоят ва республика миқёсидаги мутасадди ташкилотларнинг ёрдамига муҳтожмиз.

И.ИСОМУДИНОВ.

Истиқлол берган имкон

Хўжайлининг қўшма корхоналари

Хўжайли Марказий Осиёдаги қадимий шаҳарлардан бири. Буюк Ипак йўлида жойлашган бу маскан бой тарихга эга. Мустақиллик хўжайлиликларга катта имкониятлар яратди. Туманда иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар изчил жорий этилаёпти. Сув тақчиллиги қанчалик ташвиш келтирмасин, қалби дарё, метин иродали инсонлар умидсизликка тушганлари йўқ. Ҳамжихатлик билан иш тутилганлиги муаммоларни вақтида хал этиш имконини берапти.

Ишлаб чиқариш тармоқларида иқтисодий ўсиш кўза ташланмоқда. Мулкчиликнинг янги шакллари вужудга келди. Туманда ўн бешдан зиёд саноат корхоналари, акционерлик жамиятлари фаолият кўрсатяпти. Меҳнат жамоаларида жорий йилда 1 миллиард 200 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Фуқароларга 188 миллион 499 минг сўмлик маданий-маиший хизмат кўрсатилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш асосий вазифа бўлиб қолди. Мавжуд 3 та қўшма корхона туман иқтисодий тараққиётини мустақамлашга муносиб улуш қўшмоқда. «Айс - Жайхун» қўшма корхонаси республика аҳолисини музқаймоқ маҳсулотлари билан таъминлаётган бўлса, «Турон» сифатли ўсимлик ёғи ишлаб чиқаряпти. «Санд-Канд» меҳнат жамоаси эса савдо-тижорат ишлари билан шуғулланаёпти.

Яқинда Ўзбекистон - Россия - Литва ҳамкорлигида тузилган «Персей» қўшма корхонасининг янги цехи очилиб, 100 киши иш билан таъминланди. Йилга 100 тонна пилла-хом ашёсини қайта ишлайдиган жамоада сифатли ипак толаси олиниб, хорижа экспорт қилинади.

«Хўжайли толаси» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотлари жаҳон бозорида рақобатбардошлиги билан бир неча бор олтин медалларни қўлга киритган.

— Чет эл инвестицияларини кiritишига алоҳида аҳамият берила-

япти, — дейди туман ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Т.Уснатдинов. — Япония ишбилармонлари кўмаги билан HEAXC - 61 электрон автомат станцияси қурилганлиги олис овуллардан туриб дунёнинг турли бурчаклари билан гаплашиш имкониятини яратди. Хўжайлиликлар «Уздунробита» Ўзбекистон - Америка қўшма корхонасининг уяли телефонларидан ҳам кенг фойдаланишяпти.

Қурилиш-ободончилик ишлари жонланмоқда. Амударё устида қурилган Нукус - Хўжайли шаҳарларини бириктирувчи янги кўприк олис йўлни яқин қилди. Республика пойтахтига борадиган автомагистрални таъмирлаш давом этмоқда. Тадбиркорлар кўмаги билан туман марказида 600 савдо ўрнига эга ёпиқ бозор қурилиб, фойдаланишга топширилди. 600 ўринли тиббиёт коллежи жадал сурьатлар билан олиб борилаёпти.

Аҳолини сифатли ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тадбирлари амалга ошириллаёпти. Юкори босимдаги 4 та газ тақсимлаш қурилмалари ишга туширилди. «Дўстлик» фермерлар уюшмаси ҳудудда 100 ўринли қишлоқ шифохонаси, «Хател» ширкат хўжалигида қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Тадбиркорлик, кичи ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кенг йўл очилган. 25 жойда хусусий дeрихоналар, 60 дан ортиқ шахсий дўконлар ва 500 дан зиёд кичик

корхона ва фирмалар аҳолига хизмат кўрсатаёпти.

Халқаро Оролни қутқариш жамғармасининг Нукус бўлими орқали тадбиркорларга 33,8 миллион сўм имтиёзли ва тижорат банклари томонидан 1 миллиард 693 миллион 785 минг сўмлик кредитлар берилди.

Аҳолининг кам таъминланган қатламни ижтимоий ҳимоялашга асосий вазифа деб қаралмоқда. 18025 нафар пенсионерларнинг нафақаси вақтида тарқатиллаёпти. Бандлик дастури асосида янгитдан 2136 иш ўрни очилди.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларида корхона, ташкилот, муассасалар, мактаб ва коллежлар жамоалари, фуқаролар йиғинлари, маҳалла кўмиталари фаол иштирок этилтилар.

Ўтган даврда 3018 квадрат метр турар-жойлар қурилди. 28,2 километр газ, 7,7 километр сув тармоқлари тортилди. Кўплаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларининг ишга туширилганлиги туфайли чакана товар айланishi 3 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Корхона ва хўжаликларнинг раҳбарияти билан касабани уюшмалари ўртасида тузилган жамоа шартномаларининг бажарилиши қатъий назоратга олинган. Сўнгги ойларда қариялар, кам таъминланган оилалар, ноғиронлар, ёлғиз кексаларни моддий рағбатлантиришга ҳомиёлар томонидан 5 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Хўжайли йўллари... Бу йўллар сизни республика пойтахти Нукус шаҳри, Тахياتош, Шуманай, Қонлиқўл овулларига, қўшни Туркманистон Республикасига элтади. Аллоҳ Назари тушган мазкур шаҳар тобора кўркам ва обод бўлмоқда.

И.ХИКМАТОВ.

ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ ХУСУСИДА

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: Ходимларга интизомий жазо чоралари қандай ҳолларда қўлланилиши мумкин?

Раҳматулла РАҲМЕТОВ, Хоразм вилояти 1-сон клиник шифохона касабани уюшма кўмитаси раиси.

ЖАВОБ: Ҳар бир муассасада интизом бўлиши шарт. Интизом йўқ экан, демак, ишнинг унуми ҳам бўлмайдди, ходимлар ўртасида ҳар хил низолар келиб чиқади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 174-моддасига асосан муассасада «Ички меҳнат тартиби қонди» ишлаб чиқиши ва касабани уюшмаси кўмитаси билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланиши ҳамда у ходимларнинг танишиб чиқишлари учун қулай бўлган жойга осиб қўйилиши керак. Меҳнат Кодексининг 176-моддаси талабларига мувофиқ ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология ва интизомга, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкнинг авайлаб-асраши шарт. Ходимнинг меҳнат вазифалари ишлаб чиқилган бўлиб, касабани уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқлан-

ри). Қонунда кўрсатилмаган интизомий жазо чораларини қўлланилиши тақиқланган.

Интизомий жазо чораларини қўллашнинг ўз тартиби ва қоидалари бор. Бу тартиб ва қоидаларга амал қилинмасан, ходимга қўлланилган интизомий жазо чораси ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Меҳнат Кодексининг 182-моддасига асосан ходимга интизомий жазо фақат ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан қўлланилади. Бўлим бошлиқлари ва бошқа шахсларга бундай ҳуқуқ берилган эмас.

Ходимга интизомий жазо қўлланилишидан аввал ундан нима сабабли меҳнат интизоми бузганлиги ҳақида ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши керак.

Агар ходим тушунтириш хати беришдан бош тортса, утадан кам бўлмаган шахслар иштирокида бу ҳақда далолатнома тузилади, бунда содир қилган ноқўя хатти-ҳаракатлари учун юқоридики кўрсатиб ўтилган интизомий жазолардан бири қўлланилади ва бу тўғрида буйруқ чиқарилади. Буйруқ ходимга имзо чектириб таништирилади.

Агар ходим буйруқ билан танишса-ю, лекин имзо чекишдан бош тортса, бунда ҳам далолатнома тузилади. Интизомий жазони қўллашда содир қилган ноқўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада

оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вази-рат, ходимнинг олдинги ишлари ва хулқ-атвори ҳисобга олинади. Ходим биринчи бор содир қилган оғир хатти-ҳаракати учун вазифасидан овоз қилиниши ҳам мумкин.

Ҳар бир ноқўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланилиши керак.

Интизомий жазо бевосита ноқўя хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилиши керак. Агар ходим касал ёки таътилда бўлса, кўрсатилган муддат олти ойгача узайтирилади. Бу муддатлар ўтгандан сўнг, ходимга интизомий жазо чораси қўлланилмайди. Қўлланилганда ҳам у ҳақиқий ҳисобланмайди.

Меҳнат Кодексининг 183-моддасига мувофиқ интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан эътиборан бир йил. Агар ходим шу муддат ичида ҳам интизомий жазога тортилмасан, у интизомий жазо олган, деб ҳисобланади.

Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан ўз хатти-ҳаракатини яхшилаган ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг, бевосита раҳбари илтимоснома-сига кўра интизомий жазони бир йил ўтмасдан олдин бе-

кор қилиши мумкин. Интизомий жазо чораси қўлланилишидан норози бўлган ходим меҳнат низо-ларини кўрувчи комиссияга, туман судига ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Иш берувчиларнинг қонунчиликка тўлиқ риоя қилмасликлари ҳисобга олган ҳолда ходимнинг ноқўя хатти-ҳаракати учун интизомий жазо чораси тарихисидан қўлланиладиган Меҳнат Кодексининг 100-модда иккинчи қисмининг 4-банди билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши тўғрисида қисқача тушунтириш бериш лозим.

Меҳнат Кодексининг амалга киритилиши, яъни 1996 йил 1 апрелга қадар амалда бўлган Ўзбекистон Меҳнат қонунлари Кодексининг 41-моддасида «Меҳнат шартномасининг маъмурият ташаббуси билан бекор қилиниши» кўрсатиб ўтилган бўлиб, у саккиз банддан иборат эди, ҳозир амалдаги Кодексининг 100-моддаси «Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш» олти банддан иборат.

1996 йил 1 апрелга қадар амалда бўлган Меҳнат қонунлари Кодексининг 41-моддасида «Меҳнат шартномасининг маъмурият ташаббуси билан бекор қилиниши» кўрсатиб ўтилган бўлиб, у саккиз банддан иборат эди, ҳозир амалдаги Кодексининг 100-моддаси «Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш» олти банддан иборат.

1996 йил 1 апрелга қадар амалда бўлган Меҳнат қонунлари Кодексининг 41-моддасида «Меҳнат шартномасининг маъмурият ташаббуси билан бекор қилиниши» кўрсатиб ўтилган бўлиб, у саккиз банддан иборат эди, ҳозир амалдаги Кодексининг 100-моддаси «Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш» олти банддан иборат.

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабани уюшма Маркази кўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош АХМЕДОВ жавоб беради

САВОЛ: Электр энергия бўйича мутасадди ташкилотлар меъёридаги 110 кВдан ортиқ фойдаланилган энергия учун ходим ҳақ тўлайди дейишса-да, меъёрдан оз фойдаланилган энергия учун оз миқдорда пул ўтказишни айтмоқдалар. Шу тўғрими?

Бутун йил давомида ҳар ойда ўртача 110 кВт электр энергияси учун пул ўтказавериш тўғри бўлмайди.

Н.СОБИРОВ, Андижон вилояти.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги «Электр энергиясида фойдаланиш меъёри оғир 110 кВт соат миқдорда белгиланган. Ушбу меъёрдан ортиқ фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ тўлаш бўлмайди» қарори билан белгиланган.

САВОЛ: Ўқитувчи касаллиги туфайли дарс соатлари ўтилмай қолди. Касаллик варақасига тўланган ҳақдан ташқари, ўтилмай қолган дарс соатлари бир неча кун давомида etkazиб олинса, ўқитувчи тегишли ҳақ олиши мумкинми?

Р.ФОЗИЛОВА, Жиззах шаҳри.

ЖАВОБ: Ўқув режасидаги дарс соатларини тўлдириб, дастур материалларини ўқувчиларга etkazиш учун мактаб директорининг буйруғи асосида, ўқувчиларга тиббий томондан зарар бўлмаган ҳолда қолдирилган дарс соатлари тарификациядан ўтказилиб, ўқитувчига тегишли ҳақ тўлаш мумкин.





